

САЛБИЙ ТУС ИФОДАЛОВЧИ СЎЗЛАШУВ НУТҚ ФОРМУЛАЛАРИ

Б. Абдиева¹*Аннотация:*

Мақолада салбий тус ифодаловчи сўзлашув нутқ формулалари немис тили сўзлашув нутқидаги семантик-модал хусусиятлари таҳлил қилинади. Муаллиф кўполлик, адоват, нафрат ва менсимаслик каби эмоцияларни ифода этувчи сўзлашув турғун формулаларини ўрганиб, уларнинг грамматик ва семантик тузилишини кўриб чиқади. Масалан, немис тилида кўпол бўйруқлар, таҳдидлар, ҳақоратлар ва бадҳоҳликларни ифода этувчи фразеологик бирликлар келтирилади. Турғун сўзлашув формулаларидаги кўполлик асосан ишлатилган феъллар ва ажраладиган олд кўшимчалар орқали намоён бўлади. Ушбу формулалар инсонларни ранжитадиган ва салбий тавсифловчи хусусиятга эга.

Калит сўзлар: сўзлашув нутқ формулалари, фразеология, адресат, сўзловчи, семантик гуруҳ, кўполлик, немис тили, салбий эмоциялар.

doi: <https://doi.org/10.2024/rzpv2d50>

Салбий тус ифодаловчи сўзлашув нутқ формулалари немис тили сўзлашув нутқида семантик-модал муносабатларнинг мутлақ хилма-хиллиги орқали ажралиб туради. Уларнинг ичида тез-тез кўполлик, адоват, нафрат, менсимаслик каби туслари мавжуд [А. А. Яхшиев, 2021, б. 23].

Масалан, ушбу турғун сўзлашув формулалари бировга чиқиб кетишга ундовчи кўпол бўйруқларни ифодалайди. Ўз шакли бўйича улар кўпинча “феъл + ажраладиган олд кўшимча” каби сўзусти тузилмасига эга бир қолипдаги ундов гаплар ҳисобланади: *Нау аб! ‘Йўқол бу ердан! Тўёғингни шиқиллат!’; Schramm ab! ‘Бу ердан жўнаб қол!’.* Уларга ҳам компонент тарзда кенгайтирилган турлари бириктирилади: *Mach, daß du fortkommst! ‘Тошингни тер!’; Ab nach Kassel! ‘Тўрт томонинг қибла!’.*

Ушбу семантик гуруҳидаги кўп сўзлашув турғун формулалари учун кўполлик тусларни ифодалашининг юқори даражаси хос: *Geh zum Kuckuck! ‘Йўқол!’; (Geh/Scher dich/) zum Kuckuck! ‘Йўқол, бор-э!’; Fahr zur Hölle! ‘Йўқол!’; Gleich kratz dich die Mordkommission von der Wand! ‘Тошингни тер!’; Daß Pest hole (schlege)! ‘Тўрт томонингга қибла!’.* Бунда бирор ҳаракатни тўхташга бўйруқ берувчи турғун сўзлашув формулалар ажралиб туради: *Lassen Sie das bleiben! ‘Бўлди! Бас қилинг!’; бировга нафратни ифодалувчи турғун сўзлашув формулалар: Ich hasse ihn wie die Sünde! ‘Уни чин қалбимдан нафратланаман!’; лаънат формулалари: Der Fluch soll ihn treffen! ‘Қуриб кетгур!’.* Бировни ҳақоратловчи, салбий жиҳатдан тавсифловчи турғун сўзлашув формулалар энг унумдор ҳисобланади. Кўпинча улар адресатни ранжитадиган мурожаатлар,

¹ Абдиева Бахора Ашуровна, СамДЧТИ ўқитувчиси

лақаблардан иборат: So ein blöder Affe! 'Аҳмоқ, каллаварам!'; So ein Ochse! 'Аҳмоқлигига қаранг!'; So ein aufgeblasener Affe! 'Мағрур аҳмоқ!'; Ein ausgemachter Narr 'Ғирт (қип-қизил аҳмоқ); Du bist wohl als Kind zu heiß gebadet worden 'Калланг ишламайди'; Du hast wohl eine weiche Birne! 'Ғирт аҳмоқсан!'; Ist das einmal ein Esel! 'Эшак, ярамас!'; So eine Flasche! 'Аҳмоқлигига қаранг!'; Du hast wohl einen Furz gefrühstückt 'Эсингни едингми?'; Mensch, du hast wohl einen Bruch! 'Биро қайнови ичида, кирарли-чиқарли'; Du bist wohl nicht bei dir 'Ақлинг жойида эмас'; Du kannst mich gern haben! 'Аҳмоқсан!'; Dummer Junge! 'Бефаҳмсан!'; Ein kompletter Dummkopf (Dusse) 'Ғирт аҳмоқсан'; Eine dumme Kuh 'Аҳмоқ (аёл)'; So ein trauriger Mond! 'Ёмон мижғов экан!'; Du bist (vielleicht) eine doofe Nuß! 'Ғирт аҳмоқсан!';

Турғун сўзлашув формулалардаги бундай гуруҳларнинг қўполлигига ду олмошининг ишлатилиши орқали урғу берилади: Du Ekel! 'Қўланса, жирканч'; Du alter Esel! 'Эшак!'. Ушбу туркумига "сен" эскирган маъносида ишлатилган ер олмошини ўз ичига олган турғун сўзлашув формулалар оид: Er Schuft! 'Ярамас, аблаҳ!'. Бундай қўпол мурожаатлардан сўнг кейинчалик ҳақоратомуз луқмаларга ўтилади: Du Hund! 'Итвачча!'. Кўп бадҳоҳликни ифодаловчи турғун сўзлашув формулаларга суҳбатдошга нисбатан мутлақ қўполлик хос. Баъзи формулаларни қиёсланг: Blas' mir auf den Kopf! 'Сенга тупурдим, менга ҳеч нарса қила олмайсан!';

Бировни номловчи ёки тавсифловчи турғун сўзлашув формулалари: So ein Igel! 'Бунча ўжар, Али деса, бали дейди'. Бундай баҳоловчи турғун сўзлашув формулалари киноя, такаббурлик, менсимаслик тусини ўз ичига олиши мумкин: So ein Bürschchen! 'Шумтака, шум бола'; Ein sauberer (netter) Bursche! 'Қўлидан ҳар қандай ёмон иш келадиган йигит!';

Қаҳрамонни салбий тарзда тавсифловчи турғун сўзлашув формулалари хусусан қаҳрамоннинг бирор нарса бажаришидан шубҳаланишини етказиб бермоқда: Du kannst dich begraben lassen! Laß dich begraben 'Кучинг етмайди, Қўлингдан келмайди, ичагинг ингичкалик қилади'; Du hast den Bogen (die Kurve) noch nicht heraus; Du hast die Kurve noch nicht weg (heraus) 'Кучинг етмайди'. Бунда ушбу турғун сўзлашув формулаларнинг баъзилари бировни камситиб тавсифлаб, ноқобил, инсон қиёфасини, ғурурини, шаънини йўқотган инсон каби қоралайди: Du bist nicht wert, daß dich die Sonne bescheint! 'Яшашга лойиқ эмассан, одам эмассан!';

Бировга бахтсизлик, ёмонликни тиловчи турғун сўзлашув формулалари: Daß du die Motten kriegst! 'Қуриб кет!'. Уларнинг сафига ҳам ишда, ниятларда, ҳаракатларда машъум тилакларни ифодаловчи сўзлашув турғун формулалар қиради: Lassen wir ihn anlaufen! '(Бу ишда) боши кетсин!';

Бировга таҳдид қилувчи турғун сўзлашув формулалари: Ich spiel' ihm auf! 'Мен уни ҳали ўйнатаман! Таъзирини бериб қўяман!'; Das Lügen will ich dir schon austreiben! 'Ёлғон гапириш одатингни йўқотаман!'; Ich werde es ihm (schon noch) besorgen! 'Адабини бераман! Ақл ўргатиб қўяман!'; Wart, Bürachchen, ich will dich lehren! 'Адабингни бераман!'; Gleich gibt es etwas! 'Ҳозир сени калтаклайман!'; Ich haue dir eine 'runter, daß du denkst, Ostern und Pfingsten fallen auf einen Tag 'Кўрсатиб тураман ҳали сенга, шошмай туп!';

Бунда турғун сўзлашув формулаларнинг турли гуруҳлар ажралиб туради. Мисол учун, улар биринчи шахснинг иккинчи шахсга таҳдидларни ифодалайди: Ich haue dich, daß du in keinen Sarg mehr paßt! 'Тўққан онанг танимагунча сени дўппослайман'; Komm mir nicht in die Nähe! 'Кўзимга кўринма!'; Du wirst dich (noch) putzen! 'Сен ҳали йиғлаб оласан!'; Ich habe noch ein Hühnchen mit dir zu rupfen! 'Сен билан орани очиқ қилишим керак! '.

Ушбу қаторга ҳам учинчи шахсга нисбатан таҳдид гапирувчи (биринчи шахс) томонидан чиқадиган турғун сўзлашув формулалари киради: Ich werde ihn mir schon (noch) kaufen 'Адабини бериб қўяман'; Der kann mir im Mondschein begegnen! 'Унга тупураман!'. Ёмон тилакларни ўз ичига олувчи мазкур семантик туркуми немис диалогик нутқида жуда унумдор ҳисобланади. Қўйидаги намуналарни қиёсланг: Ich will es ihm (schon) einbrocken! 'Адабини бераман!'; Dich stecke ich noch dreimal ein! 'Мен билан тортиша олмайсан!'; Dem werd ich's schon (noch) eintränken 'Унга кўрсатиб қўяман!, Унга буни кечирмайман!'; Gleich gibt es etwas! 'Ҳозир сени дўппослайман!'; Wenn ich dich erwische, da kannst du dir gratulieren! 'Сени учратсам, ўзингдан кўр!'; Ich werde ihm zeigen, was eine Harke ist 'Онасини учқўрғондан кўрсатаман!'; Ich werde dir helfen! 'Шошмай тур!'; Sie sollen mich noch kennenlernen! 'Ҳали мени билиб қоласизлар!'. Турғун сўзлашув формулаларда бундай семантика гапирувчининг бировга адабини беришга даъватини етказиб бера олади: Gib ihm doch eins (mit dem Stock)! 'Уни (таёқ билан) яхшилаб ур!'; Gib ihm Saures! 'Уни яхшигина ур!'.

Адресатга қилмишининг оқибатлари ҳақида эслатиб қаттиқ огоҳлантирувчи турғун сўзлашув формулалари: Das könnte dir übel aufstoßen! 'Бунинг учун ҳали таъзирини ейсан!'; Da wird ihm was Schönes blühen! 'Ҳали гап эшитади!'; Dir wird's schon auch noch mal in die Bude regnen! 'Эҳтиёт бўл, балога қоласан!'. Ёки турғун сўзлашув формулалари адресат учун амалга оширилган ёқимсиз воқеа маъносини етказиб беради: Da hast du's! 'Бир аҳволга бориб етдинг!'. Бошқа томондан, баъзи турғун сўзлашув формулаларда адресатга ўзини босиш, бирор нарса ҳақида ортиқча шубҳалардан халос бўлишига даъват этиш ифодаланади: Tue nur nicht so gefährlich! 'Васвос бўлма! Бўрттириб юборма!'.

Турғун сўзлашув формулаларнинг юқоридаги катта туркумларга фразеологик бирликларнинг бошқа гуруҳлар ҳам қўшилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

[1]. Бушуй А. М., Яхшиев А. А. Фразеология узбекской диалогической речи (на материале художественной прозы) //Тюркология. –Баку,1986. - №3. –С. 27-33.

[2]. Яхшиев А.А. Немис тили оғзаки нутқи тизимида фразеологик бирликларнинг семантик-дискурсив мақоми. Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2021. – 75 б.